

Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ТЎҒРИСИДА

2016 йил 26 октябр куни Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёевнинг Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Шавкат Мирзиёев Гурбангули Бердимухамедовни Туркменистон мустақиллигининг 25 йиллик шонли санаси муносабати билан чин қалбдан самимий табриклар, унга давлат раҳбари сифатидаги масъулиятли фаолиятига янги муваффақиятлар, дўст туркман халқига фаровонлик ва бардавом тараққиёт тилади.

Ўз навбатида Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов самимий қутловлар учун чуқур миннатдорлик билдириб, қардош Ўзбекистон халқига тинчлик, осойишталик ва раванқ тилаган шахсий истакларини изҳор этди.

Сўхбат чоғида тарихан қисқа вақт ичида Туркменистон кенг қўламли социал-иқтисодий ислохотлар ва ижтимоий-сиёсий ўзгаришларнинг пухта ўйланган стратегиясини амалга оширгани туфайли истеъдодли ва меҳнатсевар туркман халқи фаровонлигини муттасил юксалтириш, маънавий янгиликни, шунингдек, халқаро майдонда мамлакат нуфузини ошириш борасида салмоқли ютуқ ва марраларга эришгани таъкидланди.

Халқларимизни кўп асрлик самимий дўстлик ва қардошлик, яқин қўшничилик ришталари, муштарак анъана, урф-одат ва маданий қадриятлар боғлаб туради. Бу узоқ муддатли, кенг қамровли ҳамкорликни янада ривожлантириш ва кенгайтириш учун мустақам ва барқарор асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Мулоқот давомида Ўзбекистон ва Туркменистон раҳбарлари яқинда турли даражада ўтказилган икки томонлама учрашувлар доирасида сиёсий-дипломатик, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтиришнинг устувор йўналишлари бўйича эришилган қилишлар ижроси қандай бораётгани хусусида фикр алмашдилар.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон билан Туркменистон дўст халқларимиз фаровонлиги, шунингдек, Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш йўлида кенг қўламли ўзаро ҳамкорликни ҳамда долзарб халқаро масалалар юзасидан амалий, ишончли ва очик мулоқотни изчил давом эттиришга тайёрлигини билдирдилар.

ЎЗА

ҚИРҒИЗИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ТЎҒРИСИДА

2016 йил 26 октябр куни Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев ва Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев ўртасида Қирғизистон томонининг ташаббуси билан телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Қирғизистон ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва истиқболлари тўғрисида атрофлича фикр алмашиб, ўзаро муносабатларнинг бир қатор асосий йўналишларида ижобий ўзгаришлар юз бераётганини алоҳида қайд этдилар.

Мулоқот чоғида таъкидланганидек, Фарғона водийсининг чегарадош вилоятлари раҳбарлари ва кенг жамоатчилиги иштирокида Андижон ва Ўш шаҳарларида ўтган Ўзбекистон ҳамда Қирғизистоннинг нуфузли делегациялари учрашувлари кўп асрлик анъанавий дўстлик ва яқин қўшничилик ришталарини, халқларимиз ўртасидаги ўзаро ишонч ва ҳурмат муҳитини мустақамлаш йўлида муҳим қадам бўлди.

Шавкат Мирзиёев ва Алмазбек Атамбоев Ўзбекистон — Қирғизистон давлат чегараларини делимитация ва демаркация қилиш бўйича икки мамлакат ваколатли органлари биргаликда олиб бораётган ишларнинг муваффақиятли якунланишидан томонлар бирдек манфаатдор эканини таъкидладилар.

Давлат раҳбарлари томонларни қизиқтирган қатор минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Ўзбекистон ва Қирғизистон раҳбарлари қардош халқларимиз фаровонлиги йўлида кўп қирралли ва узоқ муддатли муносабатларни, минтақамизда барқарорлик ва хавфсизликни янада мустақамлаш мақсадида бундан буён ҳам турли даражадаги ўзаро алоқаларни давом эттириш ва рағбатлантиришга келишиб олдилар.

ЎЗА

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик



Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган алоҳида эътибор ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш, энг муҳими, аҳоли фаровонлигини юксалтиришда юксак самаралар бермоқда.

НАВОИЙ ШАҲРИДА «АФРУЗА» ЗАМОНАВИЙ САВДО МАРКАЗИНИ БОШЛАДИ



Замонавий савдо маркази

— Аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадида ушбу замонавий савдо марказини ишга туширдик, — дейди «Navoiy FSK» масъулияти чекланган жамияти директори Баҳодир Қушанов. — Бунда «Ипак йўли» банкнинг Навоий филиалидан олинган 4 миллиард сўм миқдоридagi кредит маблағи қўл келди. Мажмуада меҳнат қилаётган 80 дан зиёд ишчи-ходимнинг аксарияти касбунара коллежалари битирувчиларидир. Икки қаватдан

иборат иншоотда сотувчи ва харидорлар учун барча шароит яратилган.

Замонавий савдо марказида озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар савдоси йўлга қўйилган. Бинонинг иккинчи қаватида ресторан ташкил этиш режалаштирилган. Бу яна ўндан зиёд иш ўрни яратиш имконини беради.

Н.РАҲИМОВ,
ЎЗА мухбири

Сайлов — 2016

Демократик қадрият

Сайловлар жамиятнинг демократик қиёфасини кўрсатиши билан бирга, халқнинг ҳуқуқий ону тафаккурини намояндалаштиришнинг муҳим шартидир. У ҳар бир фуқаро Ватан тақдири, келажигига нечоғли масъул эканлигини англатади. Жорий йилнинг 4 декабр куни мамлакатимизда бўлиб ўтайдиган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловининг ҳуқуқий асослари, айни кунда олиб бораётган сайловдаги жараёнларнинг моҳияти, сайлов қонунчилигига қиратишлар ўзгариши ва қўшимчалар, сайловларнинг ўтказиш тартиби хусусида 12-Хоразм округ сайлов комиссиясининг раиси Рашид Жабборов билан сўхбатлашдик.

— Рашид ака, Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига тайёргарлик жараёни қандай кўришмоқда. Бу борада 12-Хоразм округ сайлов комиссияси томонидан амалга оширилаётган ишлар хусусида маълумот бериб ўтсангиз.

— Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилган изчил, босқичма-босқич ислохотлар нати-

жасида энг юксак демократик талабларга ва умумэтироф этилган халқаро стандартларга ҳам берадиган, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришининг, ҳар бир кишининг давлат ҳокимияти вакиллик органларига эркин сайлаш ва сайланиш ҳуқуқининг кафолатларини таъминлайдиган сайлов тизими яратилди.

Сайловлар давлатнинг, жамиятнинг демократик кўзгуси, қадриятини саналади. Шу боис ҳар бир де-

мократик давлат халқ ҳокимиятчилигини ушбу қадриятга асослаиб ўрнатади. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов таъбири билан айтганда, «сайловлар — бу мамлакатимизда амалда бўлган ҳуқуқий нормаларнинг нечоғли демократик руҳда эканини намояндалаштирган, демократик ҳуқуқий давлатнинг узвий белгиси, халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишининг, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокининг асосий шакли бўлиб, ўта муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга масаладир».

Жорий йилнинг 4 декабр куни бўлиб ўтайдиган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига қизгин тайёргарлик қилиш ва уни очик ва ошкора ўтказиш юзасидан 12-Хоразм округ сайлов комиссияси томонидан бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Маълумот ўрнида айтишим мумкинки, айни кунда вилоятимиз аҳолисининг жами сонини 1 млн. 757 минг 800 нафарни ташкил этса, улардан 1 млн. 167 минг 263 нафари сайловчилардир.

Ў (3).

Матбуот анжумани

Касаба уюшмалари ваколатлари кенгайтирилади

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашида «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги ҳамда «ХМТнинг бирлашмалар эркинлиги ва касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 87-сонли Конвенциясини ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мазмун-моҳиятига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

Унда Федерацияси Кенгаши бўлим мудири, мутахассислар, касаба уюшма фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Тадбир аввалида Федерация Кенгаши раиси ўринбосари Бахтиёр Махмадалиев мавзуга атрофлича тўхталиб ўтди. Жумладан, мамлакатимизда меҳнат муносабатларини самарали тартибга солиш, унинг субъектлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини янада ошириш мақсадида тизимли иш-

лар амалга ошириб келинаётди. Соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириб бериш, Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган Конвенцияларини ҳаётга табиқ этиш масаласи ўта долзарб бўлиб, шу маънода, жорий йил 12 октябр куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан юқорида қайд этилган иккита қонуннинг маъқулангани айни муддао бўлди.

Мавзу юзасидан Федерация Кенгаши бўлими мудири батафсил маълумот

беришди. Таъкидланганидек, мазкур қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш жараёнида касаба уюшма мутахассислари фаол иштирок этди. Лойиҳалар тегишли доираларда, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда Сенатда қизгин муҳокамалардан ўтди.

Эътиборли томони, «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни орқали амалдаги қонунга касаба уюшмалари фаолиятини тартибга солиш қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, қонуннинг амалда қўлланиш амалиётини таҳлил қилиш натижасида аниқланган, эскирган норма ва қоидаларга барҳам бериш, айрим нормаларни янги

қабул қилинган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлаштиришга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Айниқса, давр талабини инобатга олган ҳолда, яқка тартибдаги тадбиркорлар ишлайдиган жойларда, шунингдек, тармоқлар ва ҳудудлар даражасида касаба уюшма ташкилотларини тузиш ва фаолиятини таъминлаш тартиби белги-лангани диққатга сазовор. Бундан ташқари, яқка тартибдаги тадбиркор томонидан ёлланган ходимларга ҳам касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқи берилиб, хусусий секторда меҳнат қилувчи шахсларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш самарадорлиги оширилди. Янги қонунга кўра, касаба уюшмаларининг ҳуқуқий ҳимоя функциялари янада кучайтирилган.

Ў (2).

БОШ ВАЗИРНИНГ ВИРТУАЛ ҚАБУЛХОНАСИ: ҲАР БИР МУРОЖААТ ОРТИДА ИНСОН ТАҚДИРИ БОР

Тошкент вилояти, Янгийўл туманида яшовчи Ҳикоят Раҳимқулловнинг ўғли 1-гурӯх ногирони бўлиб, ҳасталиқдан азоб чекади. Шифокорлардан фарзандини Ҳиндистонда жаррохлик амалиёти ўтказиб даволаш мумкинлигини билгач, харажатлар учун керак бўладиган хорижий валютани банкдан олиш ҳаракатига тушди. Ёрдам сўраб қилган муурожаатига «Асака» акциядорлик тижорат банки Тошкент вилояти филиали томонидан амалий ёрдам кўрсатилди.

Мазкур муурожаат жорий йилнинг 26 сентябидан буён Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг ҳудудий ташкилотларида фаолият юритаётган Ўзбекистон Республикаси Бош вазири қабулхонаси орқали қабул қилинган эди.

Партиянинг барча ҳудудий ташкилотларидаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазири қабулхонаси юқори тезликдаги интернет, турли алоқа воситалари, компютер ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминланган.

— Келаётган муурожаатлар Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида»ги қонуни ва бошқа меъёрий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 20 сентябрдаги жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлашни тубдан такомиллаштириш бўйича йиғилиши баёни билан тасдиқланган тартибда кўриб чиқилмоқда, — дейди ЎзЛиДеПнинг Тошкент вилояти кенгашидаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазири қабулхонаси ҳуқуқшуноси Санжар Эвадиллаев. — Изчиллик билан амалга оширилаётган жараённинг биринчи босқичида жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатини масъул ходим қабул қилиб, ахборот тизимига киритади. Иккинчи босқичида махсус ишчи гурӯҳи ўргангач, тегишли вазирлик, идора ва ҳокимликларга муурожаат қилинмоқда.

Учинчи босқичида муурожаатлар вазирлик, идора ва ҳокимият органларида қонунчиликда белгиланган муддатларда кўриб чиқилиб, кўтарилган масалалар ҳал этилмоқда. Бу ҳақда pm.gov.uz орқали ёки ёзма равишда тасдиқ олинади.

Тўртинчи босқичида ишчи гурӯҳи томонидан икки иш кунда тегишли вазирлик, идора ва ҳокимликларнинг муурожаатларда кўрсатилган масалаларни ҳал этиш натижалари тўғрисидаги ахбороти кўриб чиқилади. Агарда муаммо юзасидан қониқарсиз қарор қабул қилинган бўлса, ариза Бош прокуратуранинг ахборот тизимига аризаларни кўриб чиқиш бўйича йўналтирилади.

ЎзЛиДеП қабулхонаси орқали ҳозирга қадар 1,8 мингдан зиёд муурожаат келиб тушди. Уларнинг 40 фоизи прописка, биопаспорт олиш ва фуқаролик масалаларига тааллуқли. Маълум қисмини содир этилган ўғирлик, фирибгарлик ҳолатлари, шунингдек, тергов ҳаракатларини амалга оширишда йўл қўйилган камчиликлар, ички ишлар органларига ишга кириш ва қайта тиклаш, банклардан сармоя олиш ва шу каби масалалар ташкил этаётди.

Айни вақтда муурожаатларнинг 1 минг 480 таси кўриб чиқиш жараёнида бўлса, 320 муурожаат юзасидан тушунтириш берилган. Қатор жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўлиқ қаноатлантирилган. Мисол учун, Қашқадарё вилояти, Косон туманида яшовчи фуқаро А.Асадовнинг «Qarshi Grand Tour» масъулияти чекланган жамиятига меҳмонхона фаолиятини ташкил этиш мақсадида инвентар ва жиҳозлар сотиб олиш учун йирик суммада узоқ муддатли кредит ажратиш масаласида қилган муурожаати ижобий ҳал этилди. Тошкент вилояти, Оҳангарон туманида яшовчи фуқаро Т.Одиловнинг фермер хўжалигига тегишли ер майдони туман ҳокимлиги томонидан ноқонуний олиб қўйилганидан норози бўлиб ёзган муурожаати Тошкент вилояти прокуратураси томонидан кўриб чиқилиб, қаноатлантирилган.

Бу мисоллар Бош вазирининг виртуал қабулхонасига келаётган ҳар бир муурожаат қатъий назоратга олинганидан, уларда кўтарилган масалалар тезда ечим топаётганидан далолатдир.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА мухбири

Касаба уюшмалари ваколатлари кенгайтирилади

ЎЗ

Қонунга киритилган ўзгаришлар ижтимоий-меҳнат соҳасида касаба уюшмалари фаолияти эркинлиги кафолатларини мустаҳкамлайди. Фуқароларнинг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтиради ҳамда ижтимоий-меҳнат соҳасида қонунийликни таъминлаш ва жамоатчилик назоратини кучайтиришга хизмат қилади.

«Халқаро меҳнат ташкилотининг бирлашмалар эркинлиги ва касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги 87-сонли Конвенциясини ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилиниши эса Ўзбекистоннинг ўз халқаро мажбуриятларига содиқлиги ва уларни оғишмай амалга ошириб келаётганининг яна бир ёрқин далилидир.

Мазкур Конвенцияга кўра, бирла-

шиш ҳуқуқини чекловчи ёки унинг қонунийлик йўли билан амалга оширилишига тўқинлик қилувчи аралашувлардан холи бўлиш кўзда тутилган ҳамда ходимлар ва иш берувчиларнинг бирлашиш бўйича ўз ҳуқуқини эркин амалга оширишини кафолатловчи чора-тадбирлар ҳамда бошқа ҳуқуқлар қайд этилган.

Эътирофли жиҳати, Конвенцияда акс этган қоидалар мамлакатимизда амалдаги қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига тўлиқ мувофиқ келади. Хусусан, мамлакатимизда фуқароларнинг касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқларининг конституциявий кафолатлари белгиланган бўлиб, бундай кафолатлар Ўзбекистон Республикасининг 20 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатиди, шу жумладан, «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунда ва Ўзбекистон Республи-

касининг Меҳнат кодексиди мустаҳкамлаб қўйилган. Ҳозирги вақтда 14 та тармоқ, 14 та ҳудудий ва 37 мингдан ортиқ бошланғич касаба уюшмаси ташкилотини бирлаштирувчи Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси 6,2 миллиондан зиёд ходимнинг манфаатларини ифодалайди.

Ушбу Конвенциянинг ратификация қилиниши мамлакатимизнинг халқаро ташкилотлар, энг аввало, ХМТ билан ҳамкорлиги самарадорлигини ошириб, конструктив муносабатларни ривожлантиришда муҳим омил бўлади ҳамда ходимларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари самарали ҳимоя қилинишини янада оширади.

Анжуман сўнгиди журналистларни қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан атрафлича жавоб берилди.

Акмал ТОШЕВ,
«Ishonch» мухбири,
Икром ХАСАНОВ олган суратлар.

Диёрбек КИМСАНОВ,
ЎзКУФК
юридик бўлими
мудир:



«Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги қонун касаба уюшмаларининг ҳуқуқий ҳимоя функцияларини кучайтиради. Хусусан, меҳнат низолатини кўриб чиқишнинг соддалаштирилган ва самарали воситаси сифатида судга даъво аризадидан ташқари суд бўйруғини чиқариш тўғрисида ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқи киритилди. Иш берувчилар томонидан касаба уюшмаларининг меҳнат қонунийлик талаблари бузилишини бартаф эътиш тўғрисида киритилган тақдирномасини кўриб чиқиш мuddатлари ҳам қисқартирилди.

Халқаро меҳнат ташкилотининг 87-сонли Конвенциясининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилиниши эса ҳар бир кишининг ўзгалар билан эркин уюшма тузиш ҳуқуқини, шу жумладан, касаба уюшмаларини тузиш ва ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун касаба уюшмаларига аъзо бўлиш ҳуқуқини кафолатловчи Бутунжаҳон инсон ҳуқуқлари декларациясида акс этган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг умумэтироф этилган нормаларига Ўзбекистон судиқ эътишнинг эркин намунаси бўлди.

Равшан САМАРБЕКОВ,
ЎзКУФК ташкилий ишлар бўлими
мудир:



— Эндиликда касаба уюшмалари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари янада тақомиллаштирилади. Жумладан, ходимларнинг алоҳида тоифалари, чунотчи, яққа тартибдаги тадбиркорлар, ҳўнармандлар ва бир марталик ишларда банд ишлар учун Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ бирлашиш эркинлиги кафолатлари мустаҳкамланди.

87-сонли Конвенцияга тўхталмайдиган бўлсақ, ушбу ҳужжат Халқаро меҳнат ташкилотининг 1948 йилги Бош Конференциясида қабул қилинган бўлиб, унда ходимлар ва иш берувчиларнинг ташкилотлар тузиш, шунингдек, бундай ташкилотларга аъзо бўлиш ҳуқуқи назарда тутилган. Конвенцияда ушбу ташкилотларнинг ўз уставлари ва маъмурий регламентларини ишлаб чиқиш, фаолиятини ташкил этиш, ҳаракат дастурини тасдиқлаш ҳамда рўйбега чиқариш ҳуқуқлари назарда тутилган.

Маъмур ИСАЕВ,
ЎзКУФК меҳнатқашларнинг
иқтисодий-иқтисодий манфаатларини
ҳимоя қилиш бўлими
мудир:



— Янги тахрирдаги қонунда ижтимоий ҳимоя функциялари кучайтирилиб, ходимларнинг меҳнат ва ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилишда касаба уюшмалари ролини оширишга қаратилган механизмлар мустаҳкамланди. Касаба уюшмаларининг иш берувчилар билан жамоа музокараларини ўтказишда устувор ҳуқуқдан фойдаланиш, иш берувчиларнинг меҳнат ва касаба уюшмалари низолатини кўриб чиқишда шитроқ этиш ҳуқуқлари кафолатлари кучайтирилди.

Таъкидлаш зарурки, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти 87-сонли Конвенция қоидаларига тўлиқ мувофиқ келади. Хусусан, мамлакатимизда фуқароларнинг касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқларининг конституциявий кафолатлари белгиланган.

Нодира КАРИМОВА,
ЎзКУФК меҳнатни муҳофаза қилиш
бўлими
мудир:



— Маъмурки, касаба уюшмалари энг йирик жамоат бирлашмаси сифатида 6 миллиондан зиёд ходимлар манфаатини ҳимоя қилади. Бу борада ҳуқуқий асосларнинг мустаҳкам бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Турли соҳаларнинг ривожланиши, муносиб меҳнат шартларини яратишга бўлган талаб, ижтимоий шериклик концепциясининг ҳаётга татбиқ этилиши каби жиҳатлар касаба уюшмаларига оид қонунга

ўзгаришлар киритиш, давр талабига мослаштириш зўр эътиборга эриштирилди.

Намунасида, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун янги тахрирда қабул қилинди. «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги қонун Олий Мажлис Сенаи томонидан маъқулланди. Бу эса фаолиятимиз самарадорлигини ошириш ҳамда ходимлар учун муносиб меҳнат шартларини яратиш борасида сай-ҳаракатларни янада тақомиллаштириш имконини беради.



Танлов

Сирдарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида «Ўз касбининг мохир эгалари» танловининг вилоят босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Ўз касбининг мохир эгалари

Дастлаб Агросоноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси тизимидан «Ўз касбининг мохир эгалари» кўрик-танлови вилоят босқичи ғолиблари — Боёвут тумани «Табиат асл неъмат» асарчилик фермер хўжалиги раҳбари Абдуҳаким Абдувоҳидов, Мирзаобод тумани «Муфратт Мунис» хусусий биологаторияси раҳбари Жумагул Норбоева, Оқолтин тумани «Ҳаким Даврон» фермер хўжалиги механизатори Омон Даврон, Ховос тумани «Қарапчи юртим» фермер хўжалиги сувчиси Равшан Умиров ва Гулистон шаҳар «Барака текс» МЧЖ ишлаб чиқариш мудир Махсуд Назаров вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг Фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Худди шундай эътиром Таълим, фан ва маданият, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати, Транспорт, йўл ва капитал қуриш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмалари тизимидаги ўз касбининг мохир эгаларига ҳам кўрсатилди.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«Ishonch» мухбири

Бухоро вилоятида «Ўз касбининг мохир эгалари» танловининг дастлабки босқичлари август ва сентябр ойларида якунланди.

Қуйи босқичларда барча тармоқларда кўп йиллардан буён самарали меҳнат қилиб, соҳасида катта тажриба ортирган, ютуқ ва муваффақиятларга эришган 370 нафардан ортиқ турли касб эгалари қатнашди. Улар орасидан саралаб олинган 153 нафар номзоднинг ҳужжатлари вилоят босқичига тақдим қилиниб, комиссия хулосасига кўра 25 нафари тадбир ғолиблари деб эътироф этилди.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида тақдирлаш тадбири бўлиб ўтди. Танловнинг республика босқичига йўл олган ғолибларга ташкилотларнинг эсдалик совғалари ва дипломлар топширилди.

Лобар БАРАКАЕВА,
Бухоро вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ташкилий ишлар бўлими етакчи мутахассиси

Фарида Эрназарова Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Китоб туман кенгаши комиссиясининг хулосасига асосан «Энг мохир методист» номинацияси бўйича «Ўз касбининг мохир эгаси» деб эътироф этилиб, фаолиятига оид тегишли материаллар ўрганиб чиқиш учун Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши комиссиясига тақдим этилган эди. Буни қарангки, Ф.Эрназарова танловнинг вилоят босқичида ҳам ғолиб деб топилди, республика босқичига йўланмани кўлга киритди.

30 йиллик иш фаолияти давомида ташкилотчи, ишбилармон ва ижодкорлиги билан нафақат мактабда, туман ва вилоят миқёсида хурмат-эътибор толган Фарида опа публицист ижодкор сифатида ҳам тумандаги «Китоб тонги», «Муъжизавий дунё», «Қашқадарё зиёкори», «Билим дунёси» газеталарида илмий ва услубий мақолалари билан мунтазам қатнашиб туради. Таълим-тарбия соҳасидаги самарали меҳнатлари туфайли 2006 йилда «Халқ таълими аълочили» нишонига муносиб кўрилган.

Ижодкор методист 2008 йилда устозлари билан биргаликда таълим соҳасида фидойилик кўрсатган марҳум устоз-мураббийлар хотирасига бағишланган «Яхшилар чироғи ўчмагай», «Барҳаёт устозлар», таълим соҳаси илғорлари тилга олинган «Таъзим сизга, устозлар» каби китобларга ҳам муаллифлик қилган.

Бахриддин ЭГАМБЕРДИЕВ,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Китоб туман кенгаши раиси

Раёсат йиғилиши

Фаолиятда изчилликка интилиб

Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг навбатдаги раёсат йиғилишида жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи давомидаги фаолият таҳлил этилди.

Бирлашма кенгаши раиси Махмуд Бобоёров маърузасида асосий эътибор ижтимоий шерикликка йўрилган меҳнат муносабатлари барқарорлигини таъминлаш, қуйи ташкилотлар фаолиятида сифат ва самарадорликка эришиш ҳамда янги тахрирдаги қонунлар мазмун-моҳиятини меҳнатқашларга етказишга қаратилди.

Ўтган даврда касаба уюшмалари фаолиятининг устувор йўналишлари ижросини таъминлашга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилди. Муҳими, қуйи ташкилотлар ишида изчилликка эришилиб, меҳнатқашларга кўрсатилаётган хизматлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда барча бўғин ташкилотлари фаол қатнашди. Ўзбекистон касаба уюшмаларининг коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш борасидаги ташаббуси асосида вилоятда 400 та янги иш ўрни яратилди.

Меҳнатқашларга сифатли ҳуқуқий

ҳамда ижтимоий хизматлар кўрсатишни яхшилаш бўйича «Жамоатчилик қабул марказлари» ташкил этилди. Меҳнатқашлар талаб ва истакларини инобатга олган ҳолда қабулларда ижтимоий шериклар, турли соҳа мутахассислари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари шитроқи таъминланди. Бу эса меҳнатқашларни қийнаётган муаммолар, уларни қизиқтираётган масалаларга ўз жойида ва тезкорлик билан ечим топиш имконини берди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида изчилликка эришиш, соҳа мутахассислари билан мутахассисларнинг бу борада билиминини оширишга қаратилган тадбирлар бажарилди. Улардан бири бирлашма кенгашида «Меҳнат муҳофазаси ўқув маркази»нинг очилиши бўлди. Мазкур марказда нафақат бошланғич ташкилотлар етакчилари, балки жамоатчи вакиллар ҳам ўз билиминини ошириш имкониятига эга. Барча зарур ускуна ва техникалар билан таъминлан-

ган марказда малакали мутахассислар томонидан машғулотлар ўтказилиб келинаёттир.

Кейинги уч ойда бирлашмага келиб тушган 117 та мурожаатнинг барчасига ечим топилиб, 55 нафар фуқарога ҳуқуқий маслаҳат берилди. Бирлашма томонидан мурожаатларни кўриб чиқишнинг самарали маҳанзими жорий этилди. Аҳоли, кичик бизнес вакилларига бепул ҳуқуқий маслаҳат бериш мақсадида «Юридик клиника» фаолияти йўлга қўйилди.

Худудий келишув ва жамоа шартномалари ижросини таъминлашда касаба уюшмалари фаоллиги ошди. Бу белгиланган тадбирларни амалга оширишга бўлган муносабатларда ҳам ўз аксини топаёттир. Ўтган фурсат ҳудуддаги 1096 та юридик макомга эга ташкилотда меҳнат қилаётган 8530 нафар меҳнатқаш касаба уюшма аъзоллигига қабул қилиниб, ижтимоий-меҳнат муҳофазаси таъминланишига эришилди. Шунингдек, ёлғиз аёллар, ногирон фарзанд тарбиялаётган оила вакиллари билан 1422 нафар, таълим муассасаларини тамомлаган 4360 нафар ёшлар, мuddатли ҳарбий хизматдан бўшатил-



ган 157 собиқ аскар, 50 нафар ногирон, 356 нафар жазони ўташ муассасаларидан бўшатилган фуқаро ишга жойлаштирилди.

Қуйи касаба ташкилотлари томонидан қарий ўн мингга яқин меҳнатқашлар касаба уюшма туризми йўналишида саёҳатда бўлишди.

Раёсат йиғилишида ўтган даврда оқсоқликка йўл қўйилган ҳолатлар ҳақида ҳам сўз юритилиб, уларни бартаф эътиш чора-тадбирлари белгилаб олинди.

Муҳоқима этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

«Оналарни соғлом — болаларни баркамол Ватан!» республика танловига

Уйдаги қуёш



Халқимизда яхши удум бор: бир-бири билан учрашганда салом-алиқдан сўнг, фарзандлар тўғрисида сўраб, қувончингга шерик бўлади.

Дарҳақиқат, фарзанд ота-она умрининг қуёшидир. Уларнинг бутун фикри-ёди шу жигаргўшасида. Аввалаги, қўзини очишини, кейин тилга киришини кутадилар, «ойи», «дада» сўзларини эшитган, ич-ичларига сигмай кетадилар. Эрта-ю-кеч эл-юртга тинчлик сўрайдилар. Дунёнинг у бурчагида отилган ўқдан уларнинг юраги қалқиб тушади. Улар фарзандларининг буй-бастига тикилиб, юрт тинчлиги, турмуш фаровонлигидан севинадилар.

Ота-онанинг фарзандларига нисбатан меҳри, тилаги, истаги бир хил. «Қамолни кўрайин-у заволини кўрмайин», дейди. Беадад шуқрлар бўлсинки, юртимизда болаларнинг соғлом ўсишлари учун барча имкониятлар мавжуд. Шинам-кўркам боғча, яслилар, замонавий жиҳозланган мактаб, коллеж ва лицейлар... Оқ халат кийган шифокорлар уларни мунтазам назорат қилишади. Ез қунлари ўнлаб оромгоҳлар болакайларнинг қувноқ кулгиларига, шодликларига шерик бўлади.

ЖОНИНГИЗГА ЖОН БЎЛАЙ...

Тонг... Олтин куз тонги. Машқураҳон уй юмушларини бажариб ишга отланди. Ишонсини яқин бўлгани учун пиёда йўлга тушди. «Бу фаслнинг ўзига яраша гашти бор-да», хавлидан ўтказди у. Бемор гўдақлар кўз олдида келиб, қадамини тез-

латди. Хонасига яқинлашди. Ҳали эрта бўлишига қарамай, нажот истаб келганлар талайгина эди.

— Хавотир олманг, ҳаммаси жойида, кеча аҳволи оғир бўлган болакай анча ўзига келиб қолди, — деди рўбарў келган наватчан шифокор.

— Яхши, — деди Машқураҳон дили янада ёришиб. — Ярим кечада уни йўлаб, йуқум қочиб кетди. Шунинг учун яна ҳам эртароқ келгандим. Ҳозир ўзим кўраман...

— Жонингизга жон бўлай, опоқмисиз... Шифокорнинг бу сўзлари она кўнглини эритиб юборди.

— Яхши, дўхтир опа, яхши.

— Кеча айтдим-ку хавотир олманг, тузалади деб, сиз бўлсангиз йўлбад юрибсиз.

Машқураҳон ёш онани юпатди. Гўдакни кўздан кечираркан, «Ойижон, ҳали бир йилгит бўлайки, ҳаммагининг ҳаваси келсин», деди гўдак бўлиб. Келинчақ она ёш эмасми, кўзларида ёш қалқиди.

— Айтганингиз келсин, — дея миннатдорлик билдирди.


Шифокор ҳамширага муолажаларни тушунтириб, кейинги палатага ўтди, сўнг яна бошқасига. Хонасига кириб, нават кутиб турганлар бояғидан-да кўпайганини сездди.

— Нонушта қилиб оласизми, Машқура Шо-муродовна, — сўради ҳамшира.

— Беморларни киритаверинг, иситкичнини ёқиб қўйинг.

Хонага кирган она фарзандини махсус стол-

Муносабат



Ёшлар — жамият таянчи

Жорий йилнинг 15 сентяб-рида мамлакатимизнинг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонуни қабул қилиниб, кучга кирди.

«Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури талаблари асосида ишлаб чиқилган янги тахрирдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонун ушбу йўналишдаги ишларимизнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашга қаратилгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир. Мазкур ҳужжатнинг ҳаётга татбиқ қилиниши эртаими эгаларининг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини мустаҳкамлаш, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг масъулиятини кучайтириш, соҳада амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини юксалтириш имконини беради.

Истиқлолнинг дастлабки давридан янги давлат ҳамда жамиятни барпо этиш билан боғлиқ долзарб масалалардан бири сифатида ёшларга оид давлат сиёсати ва уни амалга ошириш механизминини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. 1991 йил 20 ноябрда, давлат мустақиллиги эълон қилинганидан кўп ўтмай, «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Ушбу ҳужжат мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатининг миллий концепцияси ҳамда айнан эртаими эгалари манфаатларини ишончли муҳофаза этишга қаратилган дастлабки ҳуқуқий ҳужжат бўлди, десак, муболага эмас. Унда нафақат ёшлар бўйича давлат сиёсатининг мақсад ва тамойиллари, ҳатто бугунги кун нуқтаи назаридан улар билан боғлиқ ўта принципиал масалалар ҳам ўз аксини топди. Қонунда илк бор ёшлар ҳаётига оид сиёсат ҳамда дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ёшларимизнинг бевосита иштирок этиши асосий вазифалардан бири сифатида белгиланди.

Энг муҳими, мамлакатимизда ёшларнинг таълим олишидан тўғри, касб-ҳунар эгаллаши, ишга жойлаштириш, уй-жойли бўлиши — барчаси давлат эътиборидаги масала бўлиб, бунинг учун давлат органлари билан бир қаторда жамоат ташкилотларининг, кенг жамоатчиликнинг саъй-ҳаракати йўналтирилди. 1997 йилда ёшларга оид давлат сиёсати доирасида бир йўла иккита муҳим ҳужжат — «Таълим тўғрисида»ги қонун ҳамда Қадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинган келажакимиз ворисларининг камолотида муҳим аҳамият касб этди. Янги тахрирдаги қонуннинг эътибор-

ли жиҳатларидан бири — унда ушбу йўналишдаги асосий тушунчалар моҳияти очиб берилган. Жумладан, (ёшларга оид давлат сиёсати), «ёшлар (ёш фуқаролар)», «ёш оила», «ёш мутахассис» каби тушунчаларга изоҳ берилган. Хусусан, ёшлар (ёш фуқаролар) деганда, 14 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган шахслар назарда тутилади. Ёш оила деганда, 30 ёшдан ошмаган эр-хотиндан ёхуд бола парваришланган ота ёки онадан иборат бўлган оила, шу жумладан, ёлғиз, бева эр (хотин) тушунилади.

Ушбу соҳадаги халқаро таърибга назар ташлайдиган бўлсак, АҚШ ва Японияда ёшлар деганда 13-14 ёшдан 29-30 ёшгача бўлганлар тушунилади. Германияда «кичик ёшдаги ёшлар» 14-18 ёш ҳамда «катта ёшдаги ёшлар» 18-27 ёшга бўлинади. Болгарияда 15 ёшдан 29 ёшгача, Россияда 15 ёшдан 30 ёшгача бўлган барча шахслар ёшлар тоифасига тааллуқли.

Қонунда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширувчи, яъни Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар белгиланган. Булар сирасига таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари, давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари кирди. Маданият ва спорт ишлари, меҳнат, прокуратура, ички ишлар, адлия, мудофаа ишлари бўйича органлар, оммавий ахборот воситалари ҳам шулар жумласидандир. Ушбу орган ва муассасаларнинг вазифалари, ваколатлари, шунингдек, уларнинг бу соҳадаги жавобгарлиги қонунда аниқ белгиланган.

Уз навбатида, қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган ёшлар учун қўшимча кафолатлар, яъни бепул умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими олиш, таълим муассасаларида ўқишга имтиёзли кредитлар тақдим этиш ҳуқуқлари мустаҳкамланган. Таълим муассасаларини битирганидан кейин ёшларнинг бандлигини таъминлаш, етим ва ота-она қарамоғидан махрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлаш, болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш ташкилотлари тизимини ривожлантириш ва бошқа шу кабилар қамраб олинган.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси ҳам мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Федерация Кенгаши «Ўзбекистон Республикасида 2016 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар Дастури»нинг 4 та банди ижроси учун масъ-

ул этиб белгиланган. Федерациянинг Ёшлар кенгаши ана шу талаблардан келиб чиқиб фаолият олиб боради. Кенгаш ёшларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, билим олиш, ўз имкониятлари ва қобилиятини намоён қилиш учун зарур чора-тадбирларни амалга оширади.

Жумладан, қасаба уюшмаларининг ҳудудий ташкилотлари бирлашмалари, меҳнат ҳамда адлия бошқармалари томонидан ёшларнинг меҳнат ҳуқуқлари масалаларига бағишланган давра суҳбатларини ўтказиш бўйича туман (шаҳар) ва корхоналар кесимида ишлаб чиқилган режа-жадваллар асосида давра суҳбатлари ташкил этилмоқда. Шу кунгача жами 3 минг 606 та корхона, ташкилот ва муассасада мазкур тадбирлар ўтказилди. Уларда 271 минг 155 нафар ишловчи, жумладан 149 минг 185 нафар ёш ходим иштирок этди.

Ёшларга интернет орқали ҳуқуқий маслаҳат бериш тизимини йўлга қўйиш мақсадида Федерация Кенгаши юридик клиникасининг www.uk.uz веб-сайтида очилган алоҳида веб-саҳифа (savol.uk.uz) орқали ёшлардан ҳуқуқий саволлар қабул қилишнинг онлайн тизими ташкил этилди. Тизимнинг фаолият самарадорлигини ошириш учун тегишли вазирлик ва идоралар вакилларидан иборат экспертлар, малакали мутахассислар жамоаси шакллантирилди. Бугунги кунга қадар savol.uk.uz веб-саҳифаси орқали 203 та ҳуқуқий саволга амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланган жавоблар киритилди. Савол-жавоб матнлари веб-саҳифада мунтазам ёритиб борилмоқда.

Қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш борасидаги ишларини давом эттирди. Жорий йилда республика бўйича барча турдаги оромгоҳларда 303 минг 650 нафар ўғил-қиз соғломлаштирилди.

Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги муносабати билан барча оромгоҳларда мавзуга дахлдор турли спорт-соғломлаштириш тадбирлари ўтказилди. Бундан ташқари, оромгоҳларга таниқли ёзувчи, шоир ва санъаткорларнинг ташири ташкил қилиниб, болалар билан қизиқарли суҳбат ва учрашувлар ташкил қилинди.

Қонунда мукофотлар, стипендиялар белгилаш, таълим грантларини тақдим этиш, фан, маданият ва санъат соҳасида ижодий устaxonа ва мактабларни ташкил этишга кўмаклашиш, спорт секциялари фаолиятини ташкил этиш каби бир қаторли ишларни амалга оширишга давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масалалари тартибга солинган. Мамлакатимизда бу борада кенг қўламли ишлар амалга ошириляпти.

Шу жумладан, жорий йилнинг август ойида Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси қатор ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда «Ёш мутахассислар» IV республика Форумини ўтказди. Форумда 14 та номинация бўйича ташкил этилган «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танлови Республика-тармоқ босқичининг 42 нафар голиби, шунингдек, Федерация Кенгаши томонидан Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази билан ҳамкорликда республикада илк мартаба ўтказилган «Энг яхши ёш ишчи касб эгаси» танлови совриндорлари иштирок этдилар.

Тадбир давомида ёш мутахассисларнинг инновацион гоя ва ишланмалари тақдими ўтказилиб, ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳоланди. Грант соҳиблари аниқланиб, «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танловининг 2 нафар ҳамда «Энг яхши ёш ишчи касб эгаси» танловининг 1 нафар голибларига махсус грантлар топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2010 йил 28 июлдаги «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони руёбга чиқариш мақсадида қонунда мамлакатимизда ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш бўйича давлат томонидан чора-тадбирлар кўрилишига алоҳида ўрин ажратилган.

Шу мақсадда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг VII Курултойида ҳар бир туман, шаҳарда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳобчалари, корхоналар ташкил этиш, яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти орқали коллеж битирувчилари учун 25 тадан иш ўринлари яратиш тақдими билдирилди, делегатлар томонидан қўллаб-қувватланган. Ушбу вазифани бажариш бўйича ҳар бир туман (шаҳар)да хизмат кўрсатиш ва сервис соҳобчаларини ташкил этиш орқали коллеж битирувчилари учун 25 тадан янги иш ўринлари ташкил этилмоқда. Жорий йилнинг феврал ойида барча ҳудудларда МФЙлар кесимида янги иш ўринлари яратиш бўйича манзилли дастурлар тасдиқланди. Унга кўра жойларда 4850 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилган. Мазкур дастурларга асосан ҳозирга қадар республика бўйича 4 минг 800 тага яқин иш ўрни яратилди.

Мазкур қонун нафақат ёшлар, ёш оила, балки ёш мутахассис, ёшлар тадбиркорлиги тушунчаларининг маъмуний ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлади. Ёшларга оид сиёсатни руёбга чиқариш, комплекс ташкил-ҳуқуқий ва институционал чора-тадбирларни қабул қилишга йўналиш ва асос бўладиган Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий принциплари ва йўналишларини белгиллади. Ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат бошқарувини ушбу жараёнда иштирок этадиган ҳар бир субъект ваколатларини мустаҳкамлаган ҳолда тақомиллаштирди. Ўзбекистонда ёшларни ҳар томонлама рағбатлантирадиган қўшимча давлат кафолатларини кенгайтириш ва ўрнатилган, мамлакат иқтисодий ўсишининг лоқомитови бўлган ёшлар ўртасидаги тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашишга кенг йўл очди.

Қонун нормалари ёшларга оид давлат сиёсатини руёбга чиқаришда жамоат ташкилотларининг, аввало, ёшлар ташкилотларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситаларининг роли ҳамда ўрнини кучайтиради. Давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқишда, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга доир тадбирларни уюштириш ҳамда ўтказишда, ёшларнинг жамият ҳаётидаги роли ва фаоллигини юксалтиришда, ушбу соҳадаги қонун ҳужжатлари талаблари бажарилиши устидан жамоат назоратини амалга оширишда фуқаролик жамияти институтлари иштирокнинг ҳуқуқий механизмлари мустаҳкамланди.

Қонуннинг қабул қилиниши ёшларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари таъминлашига ҳуқуқий асос яратди. Бу борада давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотлар масъулиятини кучайтирди.

Сарвар МАМАДИЕВ, ЎзКУФ Ёшлар кенгаши раиси

Демократик қадрият

12-Хоразм сайлов округи Урганч шаҳридаги «Баркамол авлод» болалар маркази биносида жойлашган бўлиб, унинг ташқи ва ички коммуникация тизимлари, хоналари қайта таъмирдан чиқарилиб, барча зарур шарт-шароитлар яратилди ва етарли жиҳозлар билан тўлиқ таъминланди.

Сайлов округимиз биносида сайлов комиссияси фаолият олиб бориши учун 5 та хона, матбуот маркази ва матбуот анжуманлари ўтказишга мўлжалланган 50 ўринли зал мавжуд. Матбуот марказида комиссия аъзолари ва журналистлар марказий ва маҳаллий газеталарнинг таҳлавлари, телефон, факс, 13 та компьютер жамланмаси ва интернет тизимига уланган 10 та ноутбук билан таъминланган.

— **Худудий ОАВ вакилларини аккредитациядан ўтказиш борасида округ сайлов комиссияси томонидан қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

— Сайлов жараёнини ёритишда оммавий ахборот воситаларининг роли катта бўлиб, бир томондан улар сайловчиларни сайлов жараёнларининг боришидан хабардор қилишга, иккинчи томондан сайловда ташвиқотини олиб боришда муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Шу билан биргаликда ОАВ вакиллари миллий ва халқаро кузатувчилар, ишончли вакиллар, сайлов штабларининг вакиллари билан биргаликда сайлов жараёнининг ошкоралиги ва шаффофлигини таъминлаб, аҳолини сайлов натижалари билан таништирадидлар. Мазкур масъулиятли вазифани амалга оширишда журналистларга янада энгиллик яратиш мақсадида округ сайлов комиссияси томонидан худудий ОАВ вакилларини аккредитациядан ўтказиш йўлга қўйилди. Айни кунда округ сайлов комиссиясига 15 тага яқин худудий ОАВ томонидан 30 нафардан ортиқ журналистларни аккредитациядан ўтказиш бўйича тақдимномалар келиб тушди ва улар белгиланган тартибда аккредитациядан ўтказилди. Бу жараён ҳали давом этади. Чунки вилоятимизда 30 та босма ва 3 та электрон ОАВ фаолияти йўлга қўйилганлигини инобатга олган ҳолда шаҳар ва туман ҳокимлигини муассислигида ҳамда тармоқ наشرларининг муҳбирларини ҳам аккредитациядан ўтказишни режалаштирганмиз.

— **Қуни кеча республикамизнинг барча ҳудудларида Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини ўтказувчи сайлов участкалари ташкил этилди. Вилоят мисолида ушбу жараёнда кенгроқ тўхталиб ўтсангиз?**

— Жорий йилнинг 3 октябр кuni «Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-, 16-моддаларига мувофиқ ҳамда Урганч шаҳри ва туманлар ҳокимларининг тақдимномаларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини ўтказувчи 12-Хоразм сайлов комиссиясининг сайлов участкаларини тузиш тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Қарорга мувофиқ бу йилги сайловини ўтказиш юзасидан вилоят худудида жами 463 та сайлов участкаси тузилди.

Сайлов участкалари жойлаштирилмаган биналарда тиббиёт, «Она ва бола» хоналари ташкил этилиб, улар тўлиқ таъмирдан чиқарилиди. Вилоят солиқни сақлаш бошқармасига сайлов участкалари биналаридаги тиббиёт хоналари учун малярия тиббиёт ҳодимларини ҳозирдан бйриктириш ва талаб қилинадиган дори-дармон ҳамда тиббиёт ускуналари билан таъминлаш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, «Она ва бола» хоналари вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли мактабгача таълим муассасаларига бириктирилиб, уларни зарур жиҳозлар, ёнгина қарши кураш воситалари билан тўлиқ таъминлаш чоралари қўрилмоқда. Барча сайлов участкалари биналари алоқа воситалари, керамика ортегхника воситалари, канцелярия моллари билан тўлиқ таъминланмоқда.

Сайлов участкаларида овоз бериш кабинетлари, урнalar ва миллий рамзаларимиз ҳисобланган байроқ, герб ва бошқа жиҳозлар тайёр қилиб қўйилди.

Бундан ташқари, аҳолининг сайлов жараёнларида фаол иштирок этишида ташвиқот тадбирлари билан биргаликда, кўргазмали воситалар ҳам муҳим рол ўйнайди. Шунингдек, олмаган ҳолда, округ сайлов комиссияси томонидан сайловларни ташвиқот қилишда кўргазмали воситалар, қаҳриқлар, паннолар ва электрон таблолардан кенг фойдаланиш чоралари қўрилмоқда. Жумладан, Урганч шаҳри ва туманлар марказларининг аҳоли гавжум бўладиган жойларига, шунингдек, туманларо магистрал йўлларга илиб қўйиш учун 324 та реклама паннолари, Урганч шаҳрида 3 ўринда электрон таблолар тайёрлаб қўйилди.

«Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов тўғрисида»ги Қонунни аҳолига тушунтириш, шунингдек, сайловга тайёргарлик кўриш ишларида амалий ёрдам бериш мақсадида округ сайлов комиссиясининг аъзолари шаҳар ва туманларга бириктирилди.

Яқинда Марказий сайлов комиссияси томонидан янгидан чоп этилган 35 минг 670 та сайловга доир қаҳриқлар, плакатлар шаҳар ва туманларга етарли миқдорда тақсимланди, вилоятимиздаги барча корхона, ташкилот ҳамда муассасаларга етказиб берилди.

Мазкур саъй-ҳаракатларнинг барчаси олдимизда турган муҳим сиёсий жараёни миллий демократик қадриятларимиз ҳамда жаҳон андозаларига мос равишда ўтказишга қаратилган.

— **12-Хоразм округи сайлов комиссияси яна қандай ишларни амалга оширишни режалаштирган?**

— Қуни кеча Марказий сайлов комиссияси томонидан ташкил этилган онлайн мажлисда 12-Хоразм округ сайлов комиссиясининг фаолиятига оид ахборотини тақдим этдик. Мазкур мажлисда округ сайлов комиссиясининг ҳозиргача мўлжалланган барча тайёргарлик тадбирлари сифатли амалга оширилганлиги эътироф этиб ўтилди. Эндиги босқичда сайлов кампанияси билан боғлиқ бошқа масалаларга алоҳида эътибор қаратмоқчимиз. Яъни сайлов участкаларида семинар-тренингллар уюштириш, фуқаролик жамияти институтлари, вилоятдаги олий ўқув юрларининг профессор-ўқитувчилари ҳамда малакали мутахассислар иштирокида давра суҳбатлари ташкил этиш ҳамда барча жараёни очик, ошкора ОАВ орқали ёритилишини таъминлаш олдимиздаги вазифалардан ҳисоблангани.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда сайловларга муҳим сиёсий жараён сифатида эътибор қаратилганлиги, унинг ҳуқуқий мустаҳкамлиги фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларини кафолатлашда муҳим аҳамият касб этади. Уйлайманки, хоразмлик барча сайловчилар ўзларининг фуқаролик бурчини катта масъулият билан бажаришди. Улар ўзлари муносиб деб билган номзодни сайлаш орқали мамлакатимиздаги ислохотларнинг янада чуқурлашуви, ҳаётимизнинг янада фаровонлашуви йўлида ҳиссаларини қўшади деб ишонч билдираман.

Сўхбатдош: Дилрабо ҚУРЪЗОВА, журналист

га ётқизиб, устки кийимларини ечди. — Узим ўргилай, ширин болажоним, — деди болакайни кўриқда ўтказар экан шифокор. Касаллик сабабларини онага тушунтирди. Тавсиялар берди...

Хар кун шу аҳвол. Қарийб чорак асрдан буён Юнусобод даҳасидаги 5-болалар шифохонасида бир ойликдан 3 ёшгача бўлган болаларнинг асаб касаллигини даволаш бўлимини бошқариб келади. Шифокорликка меҳр унга асли отасидан ўтган. Шомурод Шомансуров айни урушдан кейинги йилларда институтни тугатиб, болалар асаб тизими касаллигини даволашни бошлаган.

Катталар ўтирмагунча, дастурхонга қўл узатмаслик бу хонадон учун одат эди. Буvasи вафотидан кейин бувижонига сўянган набиралар ҳар доимгидек Шомурод акани интиқлик билан кутишарди.

— Отам фавқулодда кайфиятлар чог қайтдилар, — эслайди Машқурахон. — Бувижоним: «Тинчликми, болажоним, анча хурсандсиз» деб сўраганларида, «Орзулар амалга ошди, онажон, республикада болалар неврологияси кафедраси ташкил қилинди. Илм бобида яна бир мактаб очилди», дедилар. Шунда бувижоним қўл очиб, узок дуо қилганлари ҳамон кўз олдимда. Дунёнинг ишлари қизик экан. Отам болаларда нейроревматизм муаммолари бўйича докторлик диссертациясини ёқлаганларида, афсус, бувим вафот этдилар. Мен эса талаба эдим.

Тиббиёт соҳасига киришининг ўзи бўлмайди. Бунинг учун ирода, матонат даркор. Машқура-

хон ҳали-ҳали эслайди: талабалик чоғи мурдага игна санчиш лозим пайтда кўрқиб, уйга йиғлаб келганди. Ушанда отаси Шомурод ака тасалли берган эди:

— Албатта сендан яхши шифокор чиқади, бунга ишончнинг қомил. Сен кўпроқ одамлар ташвишини ўйла, мушуқлини осон қилишни ўрган, — деб ўқтирарди.

Шифокор ўз фаолияти давомида шу йўлни танлади, шунга амал қилди. Масъулиятни ҳис қилиш лозимлигини унутмади. Машқурахон бошқараётган бўлим замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган бўлиб, бемор гўдаклар обдан текширилиб, сўнг 15-20 кун даволанади.

Ўзбекистонда болалар асаб тизими касалликларини даволашга асос солган машқур олим Шомурод Шомансуров уздан шифокорлар сулоласини қолдирди. Ота изланишларини фақат Машқурахон эмас, бутун бир сулола давом эттираётгани қувонарли ҳодир. Шоманвар ҳам онаси билан шу шифохонада ишлаб келмоқда. Машқурахон қизи Мухаббатда ҳам шу йўналишга қизиқиш уйғота олган. У ҳам илм ва билимдонлик бобида онасидан қолишмайди, гўдак беморларни даволаш мушуқул ва масъулиятли эканини яхши билади. Қизи Нилуфархон — руҳшунос, Мазлума эса ота касбини эгаллаган, муҳандис-иқтисодчи. Улар ҳам ўз касблари туйғайли ҳурмат топшимоқда.

Машқурахон энди қўлини ювиб, овқатланишга чоғланиб турганди, яна бир болакайни олиб

келиши. У чинқириб йиғлар, жуда безовта эди. У Шоанварни ва қизини ёнига чақирди. Болага бамаслаҳат ташхис қўйишди. Отасидан камтарлик, одамоҳунлик, меҳр-мурувватлик, фидойилик каби хислатлар ҳам сулолага тўлиқ ўтган десак, ҳеч бир муболага эмас. Буни бўлимда ишлайдиган барча ходимлар эътироф этишарди. Хурмат қилсанг, хурмат топсан, деганлари рост экан. Катта-ю кичikka бир хил қараб, илмини, ширин сўзини аямган заҳматкаш шифокоргина обрў ва эътибор қозонади.

Машқура Исроилова эришган ўтуқларда турмуш ўртоғи Икром аканинг ҳам хиссаси кўп. Улар бир-бирларини ҳар дам, ҳар ишда қўллаб яшашади. Қадр-қиммат, самимият, вафо, севги бу хонадонни ҳеч қачон тарк этмаган.

Иш қуни тугаб, Машқурахон уйга отланди. Бир дақиқа ўйланди. Режадаги ишларнинг ҳаммаси бажарилишига қаноат ҳосил қилиб, йўлга тушди. Уйда ҳам уни кутишарди. У қадамини тезлатиб бораётган эди, рўпарасидан келаётган қария:

— Машқурахон қизим, яхшимисан, бирам отангга ўшабсанки, шундан танидим, — деди. — Бирга ишлагандик, ажойиб инсон эди...

Фидойи, ўз ишининг устаси бўлиб, эл олқини қозониб осон эмас. Машқура Исроилова эса бунинг уддасидан чиқа олган шифокор.

Муқаддас АБДУСАМАДОВА, Ташкент шаҳри

ОМОН БЎЛИНГ, МУШТАРИЙ

Келажак — ёшларники

Жиззах Давлат педагогика институтини қўриқиб 2-академик лицей ўқувчи-ёшлари бир неча йилдирки, «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақаларида фаол қатнашиб, ижобий натижаларни қўлга киритишмоқда.

Алпомишнинг жазолиқ издошлари

Лицей ўқувчилари ўртасида ватанпарварликни тарғиб этиш, спортнинг техник ва амалий турлари билан мунтазам шуғулланишлари учун зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратиб беришга катта эътибор қаратишмоқда. Кези келганда, илм даргоҳида кўп йиллардан бери меҳнат қилиб келаётган чакирғува қадар болангич тай-ёргарлик фани ўқитувчиси, захирадаги лейтенант Хайдар Шохимардоннинг фидойилиги ва жонқурлигини алоҳида тилга олмоқ ўринли.

Фидойи мураббийнинг сай-ҳаракати туфайли махсус хоналар зарур ўқув курслари ва кўргазмалар воситалари билан жиҳозланган бўлиб, ҳар бир дарс ўқувчиларнинг олган билимларини амалий машғулотлар билан мустаҳкамлаш, замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда ўтказилади.

Худуддаги ҳарбий қисм ва муассасалар, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» таъкилотининг бирлашган техник мактаби билан фаол ҳамкорлик алоқалари ўрнатган.

Натижалар ҳам чакки эмас. Лицей ўқувчилари жамоаси «Шунқорлар» ҳарбий спорт ўйинларида 2014 йил вилоят бўйича фахрли ўринни эгаллаган эди. 2014 — 2015 ўқув йилида «Ш чегарачилар» кўрик-танловда ҳам фаол иштирок этишди. Ҳукумат-ёшлар ўртасида ҳарбий ватанпарварлик тарбияси яхши олиб борилаётгани ва спортнинг амалий турлари тобора оммалашиб бораётгани туфайли 2-академик лицей таълим муассасаси мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» таъкилотини марказий кенгаши ва вилоят бўлимининг ўндан ортик Фахрий ёрлик, диплом ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланган. Таълим даргоҳига уруш ва меҳнат фахрийлари, муддатли ҳарбий хизматчилар, курсантлар ва офицерлар тақлиф этилиб, тез-тез учрашувлар уюштирилади.

2015 — 2016 ўқув йилида «Шунқорлар» ҳарбий-спорт ўйинларида тайёргарлик ҳар қачонгидан кўра қизгин тус олди. Ватан ҳимоясини олий шараф деб билган бўлажак аскарлар ўз маҳоратларини ошира бориб, мустаҳкам ҳарбий интизом, курол-яроғларнинг сақланиши ва қўлланишга доимо шай эканликларини намойиш этишди. Лицейда ўқувчи-ёшлар ўртасида кураш, турникда тортилиш, сузиш, арқон тортиш, югуриш каби спортнинг ўндан ортик турлари бўйича мунтазам равишда ўтказилаётган мусобақалар ўз самарасини берди. Мазкур ўқув йилида вилоят ҳарбий-спорт ўйинларида биринчилик қўлга киритилиб, республика мусобақаларида эса иккинчи ўрин эгалланди. Ўқувчилардан Достон Каримов, Умиджон Алиев, Сардор Уролов, Фазлiddин Абдуназаров, Жаҳоҳир Абдувалиев бунда алоҳида оңбозлик кўрсатишди. Натижада, олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус касб-хунар таълим марказининг дипломи, республика «Камолот» ёшлар иттиҳоний ҳаракати Марказий кенгаши ҳамда Мудофаа вазирлигининг дипломлари билан тақдирланди.

Абдулла САИДОВ, Жиззах вилояти

Орамиздаги одамлар

Саодатманда Саодат

Ҳаётда аёлга нима керак, деган саволнинг жавоби, назаримда, анжир, оилавий бахт, эл-юртнинг тинчлик-хотиржамлиги, фарзандларнинг фазлу камолини кўриш ва севимли касбидан илҳомланиб яшаш. Қарийб 20 йилдан зиёд умрини ички ишлар тизимига, ёшлар тарбиясига бағишлаб келаётган Саодатхон Жўраева ана шундай толега муссар бўлган аёллардан.

Тунни тун, кундузни кундуз демасдан ишлашга одатланган милиция ходимларининг вазифаси ҳеч қачон осон бўлган эмас. Соҳада хизмат қилаётган аёлларимиз учун бу икки қарра машаққатли. Саодатхон Жўраева шу машаққатларни шижоат билан енгиб, фидойилик кўрсатаётган ходимлардан.

Марғилонда Саодат опани кўпчилик ишчан, интилувчан, ташаббускор, жамоат хавфсизлиги, аҳоли тинчлигининг посбони сифатида танийди ва ҳурмат қилади. Майор С.Жўраева Марғилон шаҳар ички ишлар бўлимининг назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси гуруҳи инспектори вазифасида меҳнат қилиб, бутун куч-ғайратини ўзи ардоқлаган касбига бағишлаётганидан чинакамига мамнун. Аслида, бу фазилатлар Саодат опа 1996 йилда вилоят ички ишлар бошқармасининг кўриқлаш бўлимида фаолият бошлаганидаёқ кўзга ташланганди. Айни пайтда Саодат опа шаҳарда вояга етмаганлар назорати, уларнинг жиноят кўчасига кирмаслиги, турли ёт оқимлар таъсирига тушиб қолмаслиги учун астойдил ҳаракат қиляпти. Ота-оналар билан мунтазам ишлашни муваффақият омили деб билади, ўсимларнинг юриш-туришидан доимий бохабар. Мухтарам айтганда, бўлимда ҳамкорликда ишлаётган ҳамкасбалари ҳар жиҳатдан ибрат.

— Ўғил-қизларнинг баркамол бўлиб улғайиши, тарбияси кўпинча она зиммасида бўлади, — дейди Саодатхон Жўраева. — Ҳар қандай ҳолатда ҳам она қалбининг бир че-

тида фарзанд ҳақидаги ўй тураверди. Шу боисдан ҳам касбини, ҳам оила мустаҳкамлигини таъминлай олаётган хотин-қизларимизга ҳаммаша ҳавас билан қараганам. Ҳуқуқ-тартибот идораларида меҳнат қилаётган опа-сингилларимиз учун бу вазифа шарафли бўлиш билан бирга, ўта масъулиятли эканлигини, яхши тушунам.

Саодат опанинг ўзи ҳам шарафли ва масъулиятли касбидан ортиб, фарзандлар тарбиясини ҳам назардан четда қолдирмайди. Турмуш ўртоғи Лочинбек ака билан фарзандлари Назирахон, Нозимахон, Темурбекларни эзгу ниятлар билан камолга етказишяпти. Турни, машаққатли иш жараёнида ҳаммаша ҳам фарзандларнинг ҳолидан тўқис хабардор бўлиш қийин. Шунга қарамадан, Саодат опа дилбандларининг юриш-туриши, ўқишдаги ўзлаштиришларини мунтазам кузатиб боради. Қолаверса, касб-коридан келиб чиққан ҳолда, фарзандлари барчага ибрат бўлишини оила



аъзоларига кўп ўқтиради. — Оналарнинг қалби ҳаммаша уйғок бўлиши керак. Узингиз ўйланг, қайси онаизор дилбандининг жиний тўдага кириб қолишини хоҳлайди, — дейди Саодатхон Жўраева. — Шу сабабли ҳам вояга етмаганларнинг ақиллари билан мулоқотда бўлганимда фарзандлар билан дўстона, дилдан гаплашишини, ҳадеб тергайвермай, тўғри йўлга солишининг йўлларини сабр билан қидиришларини айтиб чарчамайман. Қачонки оналар соғлом фикрли бўлса, болаларнинг тарбияси

ҳам ибратомуз бўлади. Фақат рўзгор ташвишда елиб-югураверса, оқибати нима билан туғишини унутмайлик. Маънавий таҳдидлар хуруж қилаётган бир пайтда болаларимизнинг покиза қалбини забт этадиган кучлар ҳам бор. Уларнинг таъсиридан сақланиш кўпроқ оналаримизга боғлиқ. Шунда кўнгилсизликлар рўй бермайди. Мақсадимиз ҳам аслида шу — келажакимизни ишончли қўлларга топшириш...

Мадаминжон СОЛИЖОНОВ

РЕКЛАМА

Акс-садо

«Қариндошга қиз берманг...» мақоласини ўқиб

«Ishonch» газетасининг 11 ноябр сонидида чоп этилган «Қариндошга қиз берманг» мақоласи газетхонлар орасида турли баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Қуйида шулардан бирини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Фикр яхши, тақлиф ундан-да яхши. Бироқ энг муҳими, натижа. Биз кўтариб чиқаётган мавзу оммага қай даражада таъсир кўрсатаётти, қай даражада хатоликларга йўл қўйишдан қайтараяпти? Шундай экан, у мақола бўлади, телекўрсатув эди радиозинтириқ бўлади, унда ўз исботини топган ҳақиқатлар, асосли фикрлар бўлиши шарт. Шу маънода, журналист Амина Қодирова «Қариндошга қиз берманг» мақоласи реал ҳаётий мисоллар, тиббий ва қонунга тегишли ҳулосалар келтирилгани билан аҳамиятлидир.

Бироқ, таассуфки, мазкур мавзу телевидениемида эфирга узатилаётган айрим хориж сериалларида бошқача талқин этилаётгани кишини таажубга солади.

Мақсадга кўчадиган бўлса, яқинда «Тошкент» телеканалда Покистон киноиндустрияси томонидан суратга олинган «Қалбим ардоғи» номли сериални томоша қилдим. Ундан сал олдин эса худди шу ижодкорларнинг «Уйимдаги бегона» деб номланган ва шу каби қатор телесериалларини кўрган эдим. Эътироф этиш жоизки, мазкур сериаллар ўзбек тилига маҳорат билан ўйрилган. Дубляж актёрларнинг иши ҳам таҳсинга лойиқ. Бироқ сериални кузатиш жараёнида мени бир жиҳат ўйга толдириб. Ҳар иккала сериалда ҳам ака-укалар ўртасида қандайдир аъна-наларни акс эттирилган. Бир хонадонда дунёга келиб, туғишган ака-сингиллардек ушиб-улғайишга қарамадан амакивачча ва холаваччалар, аммаваччалар унаштирилади ва турли тўсиқлар бўлишига қарамадан улар турмуш қуришади. Бир-бирига етиша олмаганлари эса изтироб чекиб қайғуга ботишади.

Хуллас, кетма-кет намойиш этилаётган айрим сериаллар яқин қариндошларнинг «бахтли» никоҳи билан ниҳоясига етди.

Хўш, ундан кейин нима бўлади, қариндошлик асосида қурилган бу оилаларда қанақа фарзандлар дунёга келади? Қаҳрамонларнинг барчаси ўз ҳаётидан мамнунми, деган савол-

лар, табиийки, томошабинни беихтиёр мушоҳадага ундайди. Шу ўринда яна бир эътирозли фикр туғилади. Бу каби сериаллар айрим томошабинларда: демек, қариндошлар ўртасида никоҳ ришталари ўрнатилиши мумкин эканда, деган хулосага олиб келмайди.

Ҳаётий кузатишлар ва махсус тадқиқотлар шундан далolat бермоқдаки, қариндошлик ришталари асосида қурилган турмуш мавлум маънода бахтсиз оилаларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Эҳтимол, бу оилаларда ўзаро инсоний муносабатлар рисоладигидеки, бироқ ҳар қандай оилада носоголом, ногирон фарзанд дунёга келар экан, бу оила бахтиёр эмас. Оиладагилар бой-бадавлат, тўқин-сочин ҳаёт кечирса-да қайғу ва изтиробдан бир умр қутулмайди.

Мана, бир ҳаётий мисол: опа-ука орзу-хавас билан қандайдир бўлишди. Қувъ бўлмиш олий маълумотли, нуфузли касб эгаси. Келин ҳам ўқимли. Бироқ энг ачинарлиси, вақтлар ўтиб уллардан жимсонан ва ақлан ноқис фарзандлар дунёга келди. Бироқ улар буғун, таассуфки, ҳамма қатори ҳаётдан завқланмиш ва оила қуриб, тўқис ҳаёт кечиршидан маҳрумдирлар. Тиббий ҳулосалар бу кўнгилсизликнинг асосий сабаби қариндошлик ришталари асосида боғланган никоҳ эканлигини исботлади.

Тўғри, бу оила ҳозирда ҳам тақдирга тан бериб, никоҳ ришталарини узмасдан умргузaronлик қилиб келмоқда. Қошки улари қийнаб келётган қайғу ва андуҳни бартараф этишининг илоҳи бўлса! Яхши ниятлар билан турмуш қурган икки ўшнинг ҳамон ранглари заъфарон, руҳлари тушқун, кўнглилари синик.

Инсон дунёга бир мартаба келади. Ҳаётни эса ортага қайтариб бўлмайди. Ваҳоланки, ҳар ким ўз ҳаётидан мамнун бўлиб яшашга ҳақли. Бу бахтиёрликка мушарраф бўлиш эса мавлум маънода ўз қўлимизда. Шундай эмасми?!

Сайёра ШОДИЕВА, Тошкент шаҳри

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига! Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, «Ko'shmas mulk savdo xizmati» МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибидида йўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига тақлиф этади!

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активи қўйилади: Тошкент шаҳар ҳокимлиги «Савдо хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаменти» ДУК қошида «Тошкент савдат сервис» МЧЖ балансидаги Тошкент шаҳар, М.Улғабек тумани, Буюк Ипак Йўли кўчаси, 115-ўйда жойлашган умумий майдони 6178,30 кв.м бўлган меҳмонхона биноси. Бошланғич нархи — 28 613 375 389 сўм 73 тўйиқ.

нома эълон қилинган савдонда бошланади ва билдиришмода қўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган кун савдо бошлангичдан уч соат олдин тасмол бўлади.

Х А Б А Р Н О М А!

«Бухоро ҳамкорлик савдо» МЧЖ ва Коракўл тумани статистика бўлими билан тузилган савдонда тақлиф қилиш шартномасига асосан мулкнинг бошланғич баҳоси оқиб бориш тартибидида йўтказиладиган Очқ «Ким-оқ» савдосига тақлиф этилади. Савдо 2016 йил 29 ноябр кун соат 11:00да Коракўл тумани статистика бўлими жойлашган бинода, яъни Коракўл тумани, Гўлбода кўчаси, 15-ўйда бўлиб ўтади. Арзишлар 2016 йил 28 ноябр кун соат 18:00гача қабул қилинади. Савдога қўйиладиган мулк қуйидаки:

дикланган ишончнома, Ҳуқуқий шахслар учун — шахсининг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси. Агарда аукционда ваколатли вақил катнашганда, қонунда белгиланган тартибда унинг номига расмийлаштирилган ишончнома тақдим этилади.

«KO'SHMAS MULK MENEJMENT KONSALTING» МЧЖ Бухоро вилоят филиали мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидида йўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига тақлиф этади!

Ромитан тумани «ХАЛҚОБОД» муқобил машина трактор паркиннинг 2016 йил 12 октябрдаги умумий йиғилиши баёни қарорига ҳамда 2016 йил 17 октябрдаги 17-сонли буюртма хатига асосан «ХАЛҚОБОД» муқобил машина, трактор парки хисобидида бўлган қуйидаги мулклар ЛОТ тартибидида қўйилади:

16:00 га қадар қабул қилинади. (13:00 дан 14:00 гача тушиқ).

Advertisement for MUASSIS (Association of Publishers) featuring contact information for Bosh muharrir (Jahongir Sharofboyev), BO'LIMLAR (Kasaba uyushmalari hayoti, Huquq va xalqaro hayot, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash, Reklama va e'lonlar), Manzillimiz (100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy), and HUUDLARDAGI MUXBIRLAR (Qoraqalpog'iston, Respublikasi, Andijon, Buxoro, Jizzax, Namang'ul, Navoiy, Samarqand, Sirdaryo, Farg'ona, Xorazm, Qashqadaryo). It also includes contact info for Navbachi muharrir, Sahifalovchi, and «Sharq» nashriyot-matba'a aksiyadorlik kompaniyasi.